

# 27 ИЮНЬ – МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 27 (1038) • 2015-yil, 26-iyun, juma

## Сифатли таълим – барқарор тараққиёт гарови

### ➤ Давра суҳбати

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда «Олий таълим тизимида раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш, малакасини оширишнинг янги босқичи» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги мутасаддилари, олий таълим муассасалари раҳбарлари, профессор-ўқитувчилари ва бошқа тегишли ташкилотлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбир Президентимизнинг 2015 йил 12 июнь кунини эълон қилинган «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, бу борада мутасадди вазирлик ва идоралар, олий ўқув юртлири ҳамда жамоат ташкилотлари ўртасида изчил ҳамкорликни йўлга қўйиш, фармоннинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилди.



2➤

## Қонун ҳужжатларининг мувофиқлиги

уларнинг ижро этилишини осонлаштиради

### ➤ Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия фракцияси аъзолари, тегишли қўмиталар вакиллари, партия Сиёсий Кенгаши ва Марказий аппарати масъул ходимлари, фаоллар, экспертлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Кун тартибига мувофиқ, фракция аъзолари «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилдилар.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳаси Президентимизнинг «Қонун ҳужжатларининг ижро этилишини таъминлаш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан ишлаб чиқилган. Мазкур фармонга кўра, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тузилмасидаги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш Бош бошқармаси ва унинг

худудий бўлимлари тугатилиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тузилмасида Қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан назорат қилиш Бош бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида уларга тенглаштирилган прокуратуралар тузилмасида Бош бошқарманинг худудий бўлимлари тузилди.

2➤



Журналист бўлиш учун истеъдод ва маҳорат, билим ва тажрибадан ташқари жасорат ҳам керак.

Ислом КАРИМОВ

## Қалам соҳибларининг муқаддас бурчи

### ➤ Мухаррир минбари

Глобаллашув ва рақобат дунё миқёсида кучайиб бораётган бир пайтда ҳар бир мамлакат ижтимоий-иқтисодий асослари пухта ишлаб чиқилган миллий тарақ-

қиёт дастури ҳамда уни амалга оширишнинг энг маълум стратегиясига эга бўлиши керак. «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлашти-

риш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да ҳам юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг бошқа муҳим масалалари қатори ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъмин-

лаш, оммавий ахборот воситалари фаолиятини демократлаштириш, уларнинг эркинлиги ҳамда иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга жиддий эътибор берилди.

3➤



## Ўзбекистон – бахтли мамлакат

бу юксак эътироф юртимиз тинчлиги, элимиз фаровонлиги, дастурхонларимиз тўкинлиги, эгаллаётган барча марраларимиз юксаклигида намоён бўлмоқда

...Инсон ўз туғилган жойини танлай олмайди. Инсон ўз ота-онасини танлай олмайди. Аммо киндик қонинг тўкилган тупроқ — тоабд муқаддас тупроқ, сени дунёга келтирган ота-онанг эса умрбод дунёдаги энг азиз инсонлар бўлиб қолаверади. Юртга, ота-онага, халқимизга муҳаббат бизнинг қонимизда, жонимизда.

Не тонги, бизга Ўзбекистон аталмиш жанатмонанд юртда кўз очмоқ, умргузаронлик қилмоқ бахти насиб этди. Бунинг учун ҳар қанча шукроналар айтсак ярашади.

Зеро, Юртбошимиз айтганидек, жаҳон — кенг, дунёда мамлакат — кўп,

лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз — яккаю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга ато этилган.

Бундай самимий, ҳаяжонли диалог эътирофи ҳар бир юртдошимиз қалбидан чуқур жой олгани аниқ. Яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети социологлари томонидан «Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари» мавзусида тадқиқот ўтказилди. Тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистонимиз Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида биринчи ўринни эгаллади.

4➤

## Фаолиятимиз мезони

очиқлик, ошкоралик, адолатлилик

### ➤ Анжуман

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ташаббуси билан пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида «ОАВнинг мустақиллиги ва эркинлигини янада мустаҳкамлаш, олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотларнинг очиқ ва ошкоралигини таъминлашда уларнинг фаолигини ошириш масалалари» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ва соҳага алоқадор бошқа ташкилотлар ҳамда республика ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбир 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан ташкил этилди. Унда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари устидан жамоатчилик ва парламент назорати, ҳокимият ва жамоатчиликнинг изчил алоқасини таъминлашда ОАВнинг ролини кучайтириш, соҳанинг қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш юзасидан мутахассислар ва соҳа вакиллари билан ўзаро фикр-мулоҳазалар алмашилди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси Н.Умаров журналистларни касб байрами билан кутлар экан, партиянинг ғоя

ва мақсадлари, амалга оширган ишларини ёритишда оммавий ахборот воситалари асосий ўрин эгаллашгани, партия фаолиятини холис ва ҳаққоний ёритиш, унга таҳлилий назар ташлаш, барча бўғинлардаги энг сўнги янгиликлардан аҳолини бохабар этишда журналистлар меҳнати таҳсинга лойиқ эканлигини эътироф этиб ўтди.

Қайд этилганидек, оммавий ахборот воситалари ҳар доим жамият тараққиётининг кўзгуси, кишиларнинг онги, дунёқараши, сиёсий савиясининг шаклланишида асосий воситалардан бири бўлиб келган.

3➤

# Сифатли таълим – барқарор тараққиёт гарови

Давоми. Бошиқ 1-бетида

Давра суҳбатини кириш сўзи билан очган Ўзбекистон "Адолат" СДП Сийёсий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги раҳбари Наримон Умаров ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазири Алишер Ваҳобов мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислох қилиш, ўқитиш сифати ва мазмунини янги поғонага кўтариш, малакали кадрлар тайёрлашнинг замонавий механизмини яратиш борасида Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган тизимли чора-тадбирлар хусусида тўхталишди.

Таъкидланганидек, мустақиллик йилларида олий таълим тизимини тубдан ислох қилиш бўйича кенг миқёсдаги ишларнинг амалга оширилиши натижасида бугунги кунда мамлакатимиз олий таълим муассасалари салоҳиятли илмий ва педагогик таркибга, замонавий ўқув-дастурий асосга, моддий-техник база ва ўқув-илмий лабораторияларга эга бўлган таълим масканлари сифатида самарали фаолият кўрсатмоқда. «Таълим тўғрисида»-ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатимизда малакали кадрлар тайёрлашнинг янги, бугунги кун талабларига тўла жавоб берадиган самарали миллий моделини яратишда муҳим омил бўлди.

Шу билан бирга, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизими Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида амалга оширилаётган таълим тизимидаги ўзгаришларнинг мантӣқий давоми сифатида босқичма-босқич ислох қилинмоқда. Хусусан, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш масаласига қаратилаётган эътибор самараси ўлароқ, ўтган йилларда мамлакатимиз олий ўқув юртлари педагогик жамоаси салоҳиятини оширишга хизмат қилувчи малака ошириш механизми тубдан ислох этилди.

Президентимизнинг "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳам олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг касб даражасини ва малакасини муттасил ошириб бориш, уларни замонавий талабларга мувофиқ мунтазам қайта тайёрлашнинг янада такомиллаштирилган тизимини жорий қилишга қаратилгани билан муҳим аҳамият касб этади.

Фармонда, авваламбор, олий таълим муассасалари-

нинг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштиришнинг муҳим устувор йўналишлари белгилаб берилди. Давра суҳбатиде мазкур ҳужжатда қайд этилган вазифалар бандмабанд таҳлил қилинди ва унинг ижросини таъминлаш юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

**Рашид МАТҚУРБОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:**

— Президентимизнинг мазкур фармони ижросини таъминлашда, албатта, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг барча даражадаги депутатлик тузилмалари ҳамда ҳудудий кенгашларнинг фаол иштироки талаб этилади. Зеро, давлат олий таълим тизимини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш тарафдори сифатида "Адолат" СДП Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси сифатли таълим олиши, яхши муносабат бўлиши ва яхши ҳақ тўланадиган муносиб иш топишини қўллаб-қувватлайди.

Шу нуқтаи назардан фармонда белгиланган вазифалар илмий тадқиқот ишлари, мутахассисларни тайёрлаш даражаси ва сифатини ошириш, олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва инновацион инфратузилмасини кучайтириш, ўқитувчилар ва ходимларнинг инновацион фаолигини ошириш, докторлик диссертациясини ёқлаган ёш олимларни қўллаб-қувватлашга доир дастурий вазифаларимизни яна бир бор қайта кўриб чиқишни тақозо қилади.

Жумладан, фармонда белгилаб берилган олий таълим муассасаларида дарс бераётган профессор-ўқитувчиларнинг педагогик ва касб даражасини мунтазам ошириш асосида уларнинг соҳага оид қонунчилик нормаларидан хабардорлигини ошириш, дарс берилаётган фан назарияси, олиб борилаётган илмий ва амалий тадқиқотлар, соҳадаги технологик тараққиётнинг назарий ва амалий жиҳатларини кўрсатиб бериш, мам-



лакатимиздаги инновацион фаолиятни, ўқитилаётган фанлар бўйича мавжуд инновацион ғояларни тарғиб қилиш каби вазифалар ижросида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлик корпусимиздан фаоллик талаб этилади.

Шунингдек, электоратимиз саналган зиёлилар ва илмфан вакиллари орасидан энг салоҳиятли профессор-ўқитувчиларни жалб этган ҳолда малака ошириш тизимида ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услубларидан кенг фойдаланиш, бу борада энг илғор тажрибаларни илмфан соҳасидаги ёш олимларга сингдириш, соҳада кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида эришилган сўнгги ютуқларни кенг тарғиб қилиш асосий йўналишлардан биридир.

**Узоқбой БЕГИМҚУЛОВ, Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази директори:**

— Мамлакатимиз дунёнинг тараққий этган давлатлари қаторидан ўрин эгаллашдек улуғвор мақсадларга эришиш учун, албатта, жамиятимизнинг барча жаҳаларини замонавий фикрлайдиган, ўз касбига оид билимларни пухта эгаллаган, ҳорижий тилларда бемалол мулоқотга кириша оладиган кадрлар билан

таъминлаш талаб этилади. Бундай кадрларни тайёрлаш учун эса, аввало, таълим муассасалари, айниқса, олий ўқув юртлари педагог кадрлари ана шундай замонавий та-

жумладан, фармон мамлакатимизда таълимга оид, айниқса, юксак малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тарбиялашда сўнгги ютуқлар билан бирга, илғор хори-



жий тажрибани ўрганиш, натижаларини умумлаштирган ҳолда соҳага кенг жорий этиш, шу билан бирга, олий ўқув юртларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича малака талаблари, ўқув режалари, дастур ва услубларини қайта кўриб чиқиш, тубдан янгилаш борасида янги босқични белгилаб бермоқда. Чунинчи, дунё миқёсида эътироф этилаётган таълим тизимимизнинг миллий моделини жаҳон стандартлари даражасида янада такомиллаштириш, олий таълим тизими учун малакали педагог кадрлар тайёрлашда илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш, албатта, мамлакатимиз олий ўқув юртларининг халқаро рейтинглардаги етакчилар қаторидан жой олишига ёрдам беради.

Ҳужжатда белгиланган муҳим вазифалардан яна бири, бу юқори самарали замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибаларни кенг жорий этган ҳолда олий ўқув юртларининг педагог кадрларини

қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича малака талаблари, ўқув режалари, дастур ва услубларини тубдан янгилашдир. Фармонда, шунингдек, ўқитувчиларнинг глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларидан фойдаланган ҳолда замонавий инновацион педагогика, ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаши ва уларни ўқув жараёнига фаол татбиқ этиши, олий ўқув юртлари педагог кадрларининг чет тилини амалий ўзлаштириш даражасини ошириши каби замонавий талаблар қўйилмоқда. Бу, ўз навбатида, таълим тизимида талабаларнинг нафақат кенг билим ва профессионал кўникмаларни эгаллаши, балки бугун дунёда рўй бераётган барча воқеалар билан бирга, янгилик ва ўзга-

коммуникация технологиялари кенг жорий этилишини ташкиллаштиришга доир ишларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилади.

**Маҳмуд БОЛТАБАЕВ, Тошкент давлат иқтисодийёт университети ректори:**

— Фармонда олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлашни ташкил этиш бўйича 15 та етакчи олий ўқув юртнинг Таянч олий ўқув юртлари сифатида белгиланиши, уларда мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари ҳар уч йилда камидан бир марта доимий асосда қайта тайёрланиши ва малакасини ошириши, курслар якунида тингловчилар аттестациядан ўтиши тўғрисидаги тартиб ўрнатилганиги, ўз навбатида, профессор-ўқитувчиларни юқори илмий ва амалий тажрибага эга бўлган олий ўқув юртларида малака ошириш, илғор тажриба тўплашларига имкон беради.

Фармонда белгилангани каби олий ўқув юртларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини мувофиқлаштириш учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузурда доимий фаолият юритадиган Идоралараро комиссия ташкил этилиши кўзда тутилган.

Умуман, давлатимиз раҳбарининг мазкур фармони ижросини таъминлаш олий таълим муассасалари зиммасига ҳам масъулиятли вазифаларни юклайди. Хусусан, ҳужжатга мувофиқ, олий ўқув юртларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича доимий фаолият кўрсатадиган курслар фаолияти 2015 йилнинг 1 сентябридан ташкил этилиши белгиланган. Демак, энг аввало, ҳар бир олий ўқув юртида фаолият кўрсатаятган педагог ва раҳбар кадрларни ушбу курсларга жалб этиш учун бир неча мезонларни ҳисобга олган ҳолда уларнинг рўйхати ва малака ошириш мuddатларини белгилаб олишимиз талаб этилади. Шу билан бирга, фармон мазмун-моҳияти юзасидан мазкур ҳужжат субъектлари орасида тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бориш ҳам олдимизда турган энг муҳим вазифалардан биридир.

Тадбир сўнггида Президентимизнинг "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш ва унинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилишда мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Илёс САХАТОВ,**  
«Adolat» мухбири



## Қонун ҳужжатларининг мувофиқлиги уларнинг ижро этилишини осонлаштиради

Давоми. Бошиқ 1-бетида

Бош бошқарма қонун ҳужжатларининг ижро этилишини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш, давлат органлари ҳуқуқий ҳужжатларининг амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқлиги устидан назорат қилиш самардорлигини ошириш мақсадида ташкил этилган.

**Ақмад БУРХАНОВ, Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:**

— Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси амалдаги қонунчиликнинг тегишли нормаларини давлатимиз раҳбарининг фармонида мувофиқлаштириш орқали қонун ҳужжатлари турлича талқин қилинишининг олдини олишга қаратилган. Унга асосан "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги ва "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонунларга

тегишли ўзгаришлар киритиш таклиф этилмоқда.

Хусусан, қонун лойиҳаси билан Адлия вазирлигининг Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш Бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлиmlарига юклатилган ваколатларни "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонундан чиқариб ташлаш назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонуннинг тегишли моддасидан Адлия вазирлигининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва назоратни амалга ошириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш билан боғлиқ ваколатларини чиқариб ташлаш таклиф этилмоқда.

Умуман, Президентимизнинг

"Қонун ҳужжатларининг ижро этилишини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида амалиётга татбиқ этилган ташкилий тизим самардорлигини ошириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини юзага келиши мумкин бўлган тушунмовчиликларнинг олдини олиш, пировардида қонунларнинг сифатли ижро этилишида таклиф этилаётган қонун лойиҳасининг аҳамияти катта.

Фракция аъзолари Ўзбекистон "Адолат" СДП позициясидан келиб чиқиб, қонун лойиҳаси мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини ислох этиш, давлат органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ва назорат қилинишининг самардорлигини ошириш орқали жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилишини таъкидладилар ҳамда

қонун лойиҳасини концептуал жиҳатдан маъқулладилар.

Шунингдек, йиғилишда "Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасида даромад ва мол-мулк солиқлари юзасидан икки ёқлама солиққа тортишнинг олдини олиш тўғрисида 1999 йил 7 сентябрдаги Битимга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Баённомани (Берлин, 2014 йил 14 октябрь) ратификация қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам фракция аъзолари томонидан кўриб чиқилиб, биринчи ўқишда маъқулланди.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан фракция аъзоларининг партия позициясидан келиб чиқадиган таклифлари эшитилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

### Семинар

Ўзбекистон Республикаси Олий судида "Суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро муносабати: бугунги ҳолати ва истиқболлари" мавзусида семинар ўтказилди.

## Суд ҳокимияти ва ОАВ

Унда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида суд ҳокимиятининг ОАВ билан ўзаро муносабатини янада яхшилаш ва янги босқичга кўтариш ҳамда судлар фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритишнинг ўзига хос хусусиятлари муҳокама этилди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий суд ҳузурдаги тадқиқот маркази, Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, мустақил суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситалари ҳуқуқий демократик давлатнинг, адолатли фуқаролик жамиятининг муҳим институтидир. Шу боис Ўзбекистон ижтимо-

ий-сиёсий ҳаётида амалга оширилаётган янгиланиш ва либераллаштириш жараёнида суд ҳокимияти ва ОАВ ўртасидаги муносабат алоҳида аҳамият касб этади.

Тадбирда қайд этилганидек, инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоячиси бўлган суд мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида ислохотлар самардорлигини оширишга ва бу ҳақда кенг жамоатчиликни хабардор этишга кўмаклашувчи қўллаб-қувватлаш наشرлар пайдо бўлиши, суд-ҳуқуқ масалаларини ёритишга иختисослашган журналистлар қатлами шаклланиши билан бир қаторда соҳада ҳали ечимини кутаётган масалалар ҳам йўқ эмас.

Семинар якунида суд ҳокимияти билан ОАВ ўртасидаги ўзаро муносабатини янада яхшилаш мақсадида суд тизими вакиллари билан оммавий ахборот воситалари ходимларининг ҳамкорлигини кучайтириш борасида таклиф ва тавсиялар берилди.

**С.ЖАБОРОВА,**  
«Adolat» мухбири



# Ўзбекистон – бахтли мамлакат

бу юксак эътироф юртимиз тинчлиги, элимиз фаровонлиги, дастурхонларимиз тўкинлиги, эгаллаётган барча марраларимиз юксаклигида намоён бўлмоқда

Давоми. Боши 1-бетда

Беихтиёр кўнгалдан бир ўй ўтади: «Ким эдигу ким бўлдики?!» Ахир шу юртимиз эмасмиди собиқ шўро даврида дотация ҳисобига кун кўрадиган республика ҳисобланган? Бу дунёда нима ёмон — миннат ёмон. Марказдан келган маблағлар эвазига яшаймиз экан-да, деган изтиробли ҳулосадан бўйнимизни эгиб юрган эл биз эмасмидик? Шунча меҳнат қилиб, миллионлаб тонналаб пахта етиштириб ҳам охир-оқибат сунъий уюштирилган «ўзбеклар иши»га дучор этилганимиз, порахўр, ўғри номини олганимиз-чи?.. Албатта, биз яқин тарихимизнинг «энг кир, энг қора» кўнлари ҳақида кўп ёзишимиз мумкин. Бироқ, бу борада энг ҳаққоний маълумотларни оламан десангиз, марҳамат, Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобини ўқиб чиқинг...

Минг бор шукрлар бўлсин, бугун биз бахтли мамлакатда яшамоқдамиз. Эл-юрт бахти тинчликда, фаровонликда, тўкин дастурхонда, бугунги ва эртанги кунга некбин ишонча, ижодий меҳнатда, ҳалоол ризқ-рўзда намоён бўлади.

Шубҳасиз, элимизнинг ҳар бир фуқароси ўз бахти-иқболи ҳусусида тўлиб-тошиб сўзлаши мумкин. Кўйида биз газетамиз саҳифасидан жой бераётган айрим юртдошларимизнинг самимий мулоҳазалари уммондан томчи, холос. Мана шу томчида бутун мамлакатимиз, бутун халқимизнинг фаровон ҳаёти, нузли келажаги акс этмоқда...

## Асрий орзулар рўёби

Эндиликда мустақиллик, хурлик, истиқлол деган сўзларнинг моҳиятини ҳаммамиз яхши биламиз. Кеча ким эдигу бугун ким бўлганимиз кўпчиликнинг ёдидан чиқмайди. Истиқлол бизга бахт берди, ўзлгимизни англадик. Асрий орзуларимиз рўёбга чиқди. Ўзбекистонни дунё тонида. Истиқлол тўфайли мен фермер бўлиб, қишлоқ мулкдорига айландим.

Янги соҳанинг ичига чуқурроқ кириб бориб, пахта ва галладан ташқари қишлоқ хўжалигининг муҳим бўлаги бўлган чорвачилик, балиқчилик билан ҳам шуғуллана бошладим. Юртбошимизнинг фермерларни доимо қўллаб-қувватлаши, соҳани ривожлантириш учун барча шарт-шароитларни яратиб бераётгани ва ғамхўрлик кўрсатаётгани менга далда бўлди.

Мўл-кўл пахта, галла етиштириш, чорвачиликни сердаромад тармоққа айлантириш билан бирга етти хазинанинг бири бўлган балиқчиликни ривожлантиришга ўз ҳиссамни қўшаётганимдан бахтиёрман. Туманимиздаги Камшарик канали бўйида сунъий ҳавзалар яратиб, парвариш қилаётган ўнга яқин турдаги ба-



ликларимизнинг ҳар бири ҳозир 2 килограмдан ошди. Улар эл ризқи, насибасидир. Биз балиқчиликни йўлга қўйиш билан аҳолига арзон ва сифатли балиқ маҳсулотларини етказиб бериб, бу орқали мамлакат Озиқ-овқат дастури доирасида амалга оширилаётган ишларга ҳисса қўишни ният қилганмиз. Бу Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг дастурий мақсадларига ҳам тўла мос келади. Жумладан, партияимизнинг Сайловолди дастурида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб берадиган тузилмаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсатга қўмаклашиш, қишлоқ меҳнаткашларини самарали ҳимоя қилиш, қишлоқда ижтимоий инфратузилмани ташкил этиш устувор вазифа этиб белгиланган.

Меҳнатимизнинг самарасини фаровон ва бахтли ҳаётимизда кўрялман. Юртим тинч, кам-кўстим йўқ. Ҳамма ҳавас қиладиган оила бошлигиман. Ўзимизнинг Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган «Кобальт» автомашинасини кўпчиликнинг ҳавасини келтириб ҳайдаб юрибман. Бошқаларнинг ҳам шундай даражага эришяётганидан қувонаман. Бугунги тинч, осойишта, дорилмон кунларимизга асло кўз тегмасин. Ўзбекистоннинг доверуғи дунё бўйлаб ошаверсин. Ватанимиз тараққиёти йўлида қилаётган ҳар бир ишимиз катта самара бериб, ютуқларимиз кўпайсин. Юксак марраларни дадил забт этаверайлик.

**Саламат КОЖАМЖАРОВ,**  
Чимбой туманидаги  
«Алий байлониш» фермер хўжалиги раҳбари

## Урганчнинг «Гўзаллик салон»лари

Аёл — гўзаллик ва латофат тимсоли. У ўзининг чиройли кўриниши, ҳуш ахлоқи билан доим ўзгалар эътиборини тортди келган. Кўча-кўйда бир-биридан ороستا кийинган дилбар аёллар, лобар қизларнинг бахтиёр чехраларини кўриб, дилимиз қўннайди.

Айниқса, тўй ва маросимларда аёллар ўзгача чирой ва жозибага эга бўладилар. Уларга бу қувончни «Гўзаллик салон»ларидаги ўз касбининг моҳир усталари ҳада этишади. Бугунги кунда биргина биз фаолият олиб бораётган Урганч туманининг ўзида 170 га яқин

«Гўзаллик салони» аёлларга хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг орасида бизнинг салониимиз ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Туман марказининг Мустақиллик кўчасида иш бошлаган «Гўзаллик салони» миз бугунги кунда қишлоқ аёлларининг се-

Шу тарзда Оҳангарон туманида тўқима мебеллар ишлаб чиқариш имконияти юзага келди. Бозори чакқон маҳсулотларимизга ўзимизни қўйиб, ҳаттоки чет элларда ҳам қизиқиш кўчди. Ҳозирги кунда тўқима мебелларнинг 150 га яқин турини ишлаб чиқараёмиз. Уларнинг бир қисми хорижга ҳам экспорт қилиниб, Франция, Германия, Латвия, шунингдек, Марказий Осиё давлатларига етказиб берилмоқда. Zero, тадбиркорлик ҳаётимизнинг бош мезонига

## Ҳалоол меҳнат — ҳаёт зийнати

Мен азиз юртимиз — Ўзбекистон фарзанди эканлигим, унинг заминидо дунёга келганим, улғайиб, илдиэ отганим, ҳур ва обод Ватан тараққиётига ҳалоол меҳнатим билан улш қўшаётганимдан чексиз бахтиёрман.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, республикаимизда тадбиркорлик кенг кулоч ёзди. Мен ҳам ташаббускор ҳамюртларим қатори қатъият ва ишонч билан тадбиркорлик фаолиятимни бошладим. Болаликдан тикувчиликка меҳнат қилиб келганман. 1991 йилда «Даллол» тикувчилик ва тўқувчилик хусусий корхонасини очдим, асосан, туя жунидан тўқувчилик маҳсулотлари тайёрлашга киришдик. Ижобий натижалар биз кутгандан ҳам зиёда бўлди. 2000 йилга келиб, шу корхона базасида тўқувчилик ва тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган, фарзандларим Виктор, Елена ва Аннанинг исмларидан келиб чиқиб номланган «Велан» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасини ташкил этдик.

«Велан» бугунги кунда нафақат Зарафшонда, балки Навоий вилоятида



вимли масканига айланди. Бу ердан эртаю кеч хотин-қизлар аримайди. Улар салон ходимларининг хизматларидан баҳраманд бўлишиб, янада яшаргандек бўладилар. Адолат Искандарова, Садоқат Сафаева, Инобат Махмудова ҳамда Нафиса Қўзиёва каби ўз касбига меҳр қўйган сартарошлар ва орасизлик маликалари ҳар куни юзлаб аёлларга хизмат кўрсатиш билан биргаликда 20 нафардан зиёд хотин-қизга касб сирларини ўргатишмоқда. Мижозларимизнинг билдираётган миннатдорлиги бизни улгарта яна-

...Ушанда «оилавий тадбиркорлик», «кичик бизнес» деган сўзлар ҳаётимизга энди кириб келётган кезлар эди. Фарзандларим билан маслаҳатлашиб, бу борада ўзимизни синов кўрмоқчи бўлдик. Халқ хунармандчилиги асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга бўлган талаб ва эҳтиёжни ўрганиб чиқиб, тол новдаларидан саватлар тайёрлашга киришдик. Бу маҳсулотлар пештахталарда туриб қолмади. Бозорлардан мўносиб ўрин эгаллаб, қўлма-қўл бўлиб кетди. Фаолиятимизни кенгайтириш, экологик тоза, табиий хомашёдан янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш доимо эътиборимизда бўлди. Бу борада изланишлар олиб бориб, тол новдаларидан стол, стуллар ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик.

айланмоқда. Аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятдан олинаётган даромадлар улуши тобора ортиб бормоқда. Мустақиллик йилларида бу борадаги кўрсаткич 10,6 фоиздан 52 фоизга ўсди. Бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир. Оилавий тадбиркорлик фаолиятини бошлаганимизда иш кўлами шу қадар кенгайиб кетишини тасаввур этмагандик. Иш ишга йўл

очар деганларидек, оилавий тадбиркорлик фаолиятимизда янги кўтларни очди. Элга танилган аёл тадбиркорлардан бирига айландим. «Ташаббус-2007» кўрик-танлови республика босқичи «Энг яхши тадбиркор аёл» номинацияси ғолибаси бўлдим. 20 га яқин ривожланган давлатларга бориб, уларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ишлари, илғор таҷрибалари билан танишдим. Қатор халқаро анжуман



ва кўргазмаларда қатнашдим. Ҳиндистонда бўлиб ўтган халқаро анжуманда сўзлаган маърузам чет тилларга таржима қилиниб, дунёнинг 40 дан зиёд мамлакатига тарқалди.

Бахтли, фаровон ҳаётга ўз-ўзидан эришилмайди. Бунинг учун йиллаб меҳнат қилишга, янгиликлар яратишга тўғри келади. Бизнинг бахтимиз оилавий тадбиркорликнинг юртимиз тараққиётидаги аҳамиятини ўз вақтида тўғри тушуниб

етганимизда, янги соҳа орқали элимизга катта наф келтираётганимизда. Олдинда қилинадиган ишларимиз кўп. Эзгу мақсадларимиз рўёби қадри улғу, толеи баланд, бахти бутун минглаб аёлларимиз тимсолида бўй кўрсатиб турибди.

**Зарифахон БАҲОДИРОВА,**  
Ўзбекистон «Адолат» СДП  
Оҳангарон тумани кенгаши раиси,  
«Поксэхон» хусусий ишлаб  
чиқариш корхонаси раҳбари



ҳам энг пешқадам тадбиркорлик субъектларидан бирига айланган. Корхонаимизнинг моддий-техника базаси, бу ерда замонавий технологиялар асосида ишлаётган 25 нафардан кўпроқ ишчи-хизматчилар учун яратилган қўлайликлар кишининг ҳавасини келтиради, ишлаб чиқарилаётган 20 хилдан ортиқ маҳсулотлар кўпчиликка манзур бўлаётгани қувончимизни оширади. Туя жун ва пахта толасидан тайёрланган аёллар, тур-

ли нимча ҳамда шифобахш белбоқ каби халқ истеъмолчи моллари жуда харидорғир. Уларга нафақат Зарафшон, Навоий ва Тошкентда, Россия Федерациясининг Пермь, Екатеринбург шаҳарларида ҳам талаб тобора ортиб бораёпти. Шунга мос равишда маҳсулот экспорти ҳажмини ҳам йил сайин оширишга эришяпмиз. Иқтисодийимизнинг жадал ва мутаносиб ривожланиб бораётгани аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини изчил

ошириш учун мустақкам замин яратганлиги бизга қувонч бағишлайди.

Шу кунда яшаб, қадр топдик. Турмуш ўртоғим Шварц Игорь Алексеевич билан бахтли ҳаёт кечирдик. Нафақага чиққан бўлсак-да, халқимизга янада кўпроқ наф келтиришни хоҳлаймиз. Жондай азиз Ватанимиз — Ўзбекистонга бўлган бекиёс меҳру муҳаббатимиз бизни янги ютуқлар сари илҳомлантираверади. Уч нафар ўғил-қизни тарбиялаб, вояга етказдик. Улар бугун эл-юрт хизматида. Ўғил-қизларимиз фаровон турмуш кечирмоқда. Орзу-мақсадларига етишяпти. Ҳеч нарсага зориқётгани йўқ. Уларнинг бахтли ҳаётдан бошимиз осмонда. Zero, барқарор ривожланиш, тинчлик-тотувлик, миллатлараро тенглик ва ахиллик ҳўқмор бўлган юрдагина инсонлар шундай қувончни туядилар, бахтли-саодатли ҳаёт кечиршади.

Бугунги кунда ўз меҳнатимизнинг роҳатини кўриб, тинч-хотиржам, тўқ-фаровон ва гўзал турмуш кечиряпмиз. Инсон учун ҳаётда бундан ортиқ бахт бўлмас керак!

**Зинаида ДЕМЕНТЬЕВА,**  
Зарафшон шаҳридаги «Велан»  
Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси  
раҳбари, «Дўстлик» ордени соҳиби

## Турмуш фаровон — кўнгил чароғон

Инсон дунёга келибдики, ҳеч кимдан кам бўлмай бахтли, фаровон турмуш кечиршини истайди. Рўзгорим бут, ҳовли-жойим саранжом-саришта бўлсин, ўғил-қизларим шод-хуррам яшасин, дейди.

Мен ҳам ана шу орзу-ниятлари амалга ошган, бахтиёр замонага шукроналар айтиб яшаётган оила бекасман. Инсон сидқидилдан меҳнат қилса, элнинг хизматида бўлса иззат-икром топар экан. Асли касбим шифокор. Пайариқ тумани марказий шифохонасида врач вазифасида 40 йилдан кўпроқ ишлаб, одамлар саломатлигини муҳофаза қилиш учун бор билим, таҷрибамни сарфлаганман. Бугун нафақага чиқиб, эл хурмат-эътиборига сазовор бўлиб яшайман.

Фарзандларимни халқ хизматидаги ишчилар эътиб тарбияладим. Қизларим Умида билан Гуллола ўқитувчи, Дилноза банк ходими. Уғлим Муроджон эса молия соҳасида хизмат қилади. Ҳаммаси олий маълумотли. 11 нафар неварам бор. Оила аъзоларим бир дастурхон атрофида тўпланиб гурунқлашса, тўю маъракаларни ўтказиш, машина сотиб олиш, рўзгор учун янги меъбел харид қилиш

ҳақида маслаҳатлашса, ўзимни бахтиёр хис қиламан. Ана шундай ҳамфирқли, иноқлик тўфайли яқинда Оқдарё туманининг «Пўлатдархон» маҳалласидаги намунали лойиҳа асосида қурилган, барча қўлайликларга эга янги уйлардан бирини сотиб олдик. Уйдаги шароитларни кўриб, обод қишлоқларимиз шаҳардан қолишмайдиган даражага етаётганига шукроналар айтдик. Маҳалла марказидаги янги мактаб биноси, поликлиника, супермаркет, болалар ўйингоҳи ва бошқа иншоотлар бир-бири билан уйғунлашиб, янги массив чиройини янада очди. Меҳнатга қувонч билан ишлаган юртдошларимиз ҳам тўймоқда. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида яқна тартибда уй-жойлар қуриш бўйича мақсадли давлат дастурининг пухта амалга оширилаётгани бизга шундай имкониятни берди.

Бизнинг обод ва озод мамлакатимизда инсон ҳақида ғамхўрлик қилиш, унинг фаровон турмуш кечиршини учун барча шароитларни яратиб бериш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланган. Ўз тараққиёт йўлидан дадил бораётган Ўзбекистон бугун жадал ривожланиб бормоқда. Юртимизда эришилаётган ютуқлар, айниқса, чет эллик экспертлар томонидан ҳам тез-тез эътироф этилмоқда. Яқинда ўтказилган шундай тадқиқотларнинг бирида Ўзбекистон дунёнинг энг бахтли мамлакатларидан бири деб топилди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ўртасида биринчи ўринни қўлга киритди. Бу хушxabарни эшитиб, бахти қулган шундай бетақрор Ватанда яшаётганимиздан янада гурурга тўлдик. Ўзбекистон — бағрикенг, гўзал дўр. Унинг янада гуллаб-яшнаши, тараққий этиши учун хизмат қилиш ҳар биримизнинг муҳаддас бурчимиздир.

**Гулнора ТОҲИРОВА,**  
Оқдарё туманидаги  
«Пўлатдархон» маҳалласида  
яшовчи меҳнат фахрийси,  
«Адолат» СДП аъзоси

# КОРРУПЦИЯ — жамиятни емирувчи иллат

## ➤ Давра суҳбати

“Коррупция” лотинча “corruptio” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “бузиш, емирилиш, сотиб олиш” маъноларини англатади. Юридик энциклопедияда “коррупция — мансабдор шахслар ўзларига берилган ҳуқуқлар ва ҳокимият ваколатларидан шахсий бойлик орттириш учун фойдаланишда ифодаланувчи сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолият” сифатида ифода этилган.

Мазкур иллат мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига путур етказди, демократик институтларни заифлаштирди, ижтимоий тартибни бузади. У билан курашиш, коррупциянинг олдини олишнинг асосий йўлларида бири, шубҳасиз, аҳолининг, давлат ва жамоат ташкилоти вакилларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ҳисобланади.

Ҳуқуқий маданиятни яхшилаш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва коррупцияга қарши курашишга ҳисса қўшиш Ўзбекистон “Адолат” СДП ўз олдида кўйган устувор мақсадлардан саналади. Бу борадаги мақсад ва вазифалар партиянинг Сайловдод дастурида аниқ ифода этилган бўлиб, хусусан, партия “давлат бошқаруви органлари, назорат этувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар фаолиятида қонунчиликка амал қилиниши устидан назоратни кучайтириш, қонунчилик меъёрларини бузишга, уларни нотўғри ва эркин талқин этишга, тўрачилик, расмийчилик, коррупцияга йўл қўймаслик тарафдори” эканлиги қайд этилган. Шунингдек, “давлат аҳолининг даромади бўйича кескин табақаланишининг олдини олиш лозим”, “асосий ижтимоий-иқтисодий муносабатларни фақат қонунчилик йўли билан мувофиқлаштиришни зарур”лигига оид ғояларнинг акс эттирилгани эътиборга лойиқдир.

Ушбу ғояларни амалда кенг муҳокама қилиш, бу борадаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида партия кенг жамоатчилик вакиллари, соҳа мута-

хассислари билан давра суҳбатлари, сиёсий ўқув ва конференцияларни ташкиллаштириб келмоқда. Ана шундай давра суҳбатларидан бири кунги кеча пойтахтимиздаги “Grand atlas” меҳмонхонаси анжуманлар залида бўлиб ўтди. Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳамкорлигида ташкил этилган “Коррупция ва қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олиш — партия тизимида ижро интизомини таъминлаш гарови” мавзудаги давра суҳбатида коррупция ва унинг жамият ҳаётидаги хавфи масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари А.Раҳмоновнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришга оид амалга оширилган ислохотларга мамлакатимизда жиноятчилик ва коррупциянинг олдини олишга қаратилган кучли чора сифатида қаралди. Қонуннинг мутлақ устуворлиги ва фуқароларнинг ҳуқуқлари кафолатли ҳимоя қилиниши ҳуқуқий ислохотларнинг мақсадига айланди. Мамлакатимиз аҳолиси, айниқса, ёшларни ҳуқуқий тарбиялашни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ниҳоятда зарурлиги долзарб вазифа сифатида белгиланди.

— Сиёсий фаол жамоат ташкилоти сифатида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ҳисса қўшиш партиянинг ташкил этилганидан бошлаб муҳим аҳамият касб этиб келаётган мақсад ва вазифа саналади. Бинобарин, жамиятда адолат тамойиллари устун келиши учун фуқаролар ҳамда давлат



бошқаруви ташкилотлари вакиллари ўртасида қонунга нисбатан ҳурмат, қонунга итоаткорлик фазилатларини кенг тарғиб қилишда партиянинг аъзолари жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Зеро, ҳуқуқий-демократик, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида коррупция, жиноятчилик, одам савдоси сингари глобал иллатларга қарши курашиш, уларнинг олдини олишда фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ёки давлат ташкилотларига таяниб қолмаслигимиз, балки улар билан ҳамкорликда жамоатчилик назоратини кучайтиришни даврий ўзи тақозо этмоқда. Мазкур давра суҳбатидан қўзланган мақсад ҳам партия тизимида фаолият юритувчи ходимларимизнинг, жойлардаги фаол сафдошларимизнинг юридидаги каби иллатларга нисбатан позициясини мустаҳкамлаш, унга қарши курашиш бўйича билим ва кўникмаларини оширишдан иборатдир, — деди А.Раҳмонов.

Шунингдек, маърузачи ўз сўзида сиёсий партияларни молиялаштириш борасида қонунчиликда белгиланган меъёрларга асосан сиёсий партияларнинг парламент олдидаги ҳисобдорлигини таъминлаш борасидаги ҳуқуқий амалиёт партия тизимида молиявий интизомни таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётгани хусусида тўхталди.

Тадбирда таъкидланганидек, бугун бугун дунёда кенг жамоатчиликни ўйлантираётган глобал муаммолардан бири ҳисобланмиш

коррупция миллий давлатчилик асосларига, сиёсий ва иқтисодий хавфсизлигига жиддий хавф туғдиради. Бугун дунё ҳамжамиятининг айрим давлатларида юз бераётган нотинч вазият кузатишлар экан, шахсий бойлик орттириш мақсадида ёки бир гуруҳ шахсларнинг манфаатлари йўлида гараз мақсадни ўз олдида қўяётган айрим бузғунчи ғоя эгаларининг фаолияти “гуркириш”нинг асосий сабаби ҳам айнан коррупция билан боғлиқлиги қайд этилди.

— Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мазкур муаммага қарши кураш масаласига жиддий эътибор қаратиб келинмоқда, — деди Юристар малакасини ошириш маркази профессори Б.Исмоилов. — Республикада БМТ иқтисодий ва ижтимоий кенгаши (EKOSOS)нинг Коррупцияга қарши кураш резолюцияси, Давлат мансабдор шахсларининг халқаро ахлоқ кодекси, Халқаро тижорат ташкилотларида коррупция ва порахўрликка қарши кураш ҳақидаги декларация, Миллатлараро уюшган жиноятчиликка қарши кураш конвенцияси ва бошқа халқаро ҳужжатларнинг эътироф қилингани мазкур иллатга қарши курашда муҳим омил вазифасини ўтамоқда. Ушбу халқаро ҳужжатлар, шунингдек, миллий қонунчилигимизда коррупцияга қарши курашишда жамоат ташкилотлари, фуқаролик жамиятларининг фаоллигини оширишга қаратилган меъёрларнинг мавжудлиги ўз олдида қонун устуворлигини таъминлаш мақсадини қўйган

Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг бу борадаги фаолияти қўламини кенгайтиради. Кези келганда таъкидлаш жоиз, коррупцияга қарши кураш соҳасидаги фаолиятни тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштириш жараёнида партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари томонидан бу борадаги халқаро тажриба изчил ўрганилишига ишончимиз комил.

Давра суҳбатида сўз олган маърузачиларнинг фикрига кўра, чинакам маънавиятли ва маърифатли инсонгина инсон кадрига етиши, эркин ва овоз жамият қуриши йўлида қонунга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиши, жамият ахлини доимо оғоҳликка ундай олиши мумкин. Шу боис ҳам эртанги кун эгалари — ёшларимизнинг кенгаши (EKOSOS)нинг Коррупцияга қарши кураш резолюцияси, Давлат мансабдор шахсларининг халқаро ахлоқ кодекси, Халқаро тижорат ташкилотларида коррупция ва порахўрликка қарши кураш ҳақидаги декларация, Миллатлараро уюшган жиноятчиликка қарши кураш конвенцияси ва бошқа халқаро ҳужжатларнинг эътироф қилингани мазкур иллатга қарши курашда муҳим омил вазифасини ўтамоқда. Ушбу халқаро ҳужжатлар, шунингдек, миллий қонунчилигимизда коррупцияга қарши курашишда жамоат ташкилотлари, фуқаролик жамиятларининг фаоллигини оширишга қаратилган меъёрларнинг мавжудлиги ўз олдида қонун устуворлигини таъминлаш мақсадини қўйган

Соодат СОДИКОВА,  
«Адолат» мухбири

## Сўранг, жавоб берамиз!

— Қарз беришнинг ва қарз олишнинг қандай қонуний асослари бор? Қарз шартномаси қандай тартибда тасдиқланади?  
А.Абдуғаниева, Навоий шаҳри

— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 733-моддаси талабида қарз шартномасининг шакли кўрсатилган бўлиб, унда фуқаролар ўртасида қарз шартномаси агар бу қарзнинг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлса, оддий ёзма шаклда тузилиши, шартномадаги тарафлардан бири юридик шахс бўлганида эса суммасидан қатъи назар, ёзма шаклда тузилиши шартлиги белгилаб қўйилган.

Қарз шартномаси тарафлардан бирининг талаби бўйича хоҳлаган нотариал идорада тасдиқланиши мумкин.

Қарз шартномаси тасдиқланаётганда нотариус тарафларнинг ҳақиқий истаklarини аниқлаши лозим. Шартномада қарзнинг қайтарилиш мuddати, жойи ва мажбурият бажарилишини таъминлаш усуллари ҳақида нотариус томонидан тушунирилганлиги кўрсатилиши керак.

Амалда қарз шартномаси қарз олувчи томонидан қарз берувчига тилхат бериш орқали расмийлаштирилади. Бу қоида ҳам фақат фуқароларга нисбатан қўлланилади. Чунки юридик шахснинг раҳбари ёки унинг бош ҳисобчиси ва вақис сифатида бирор ходими юридик шахснинг муайян суммасида пулни қарзга олганлиги хусусида тилхат бериш ҳуқуқига эга бўлмайди. Қарз тилхати қарз олувчининг имзоси билан тасдиқланади ва процессуал жиҳатдан далил ҳисобланади.

Қарз муносабатларидан келиб чиқадиган ишлар фуқаролик ишлари бўйича судларда кўриб чиқилади. Қарзни ундириш юзасидан судда даъво қўзғатишнинг муайян мuddатлари бор. Қонунда белгилангандек, қарзни ундиришнинг умумий даъво мuddати уч йил. Даъво мuddати қарзни қайтариш мажбурияти вужудга келган пайтдан бошланади.

Фуқаролик кодексининг 736-моддасида қарз олувчи томонидан қарз шартномасини бузиш оқибатлари кўрсатилган бўлиб, унда агар қонун ҳужжатларида ёки қарз шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, қарз олувчи қарз суммасини вақтида қайтармас, 734-модданинг биринчи қисмида назарда тутилган фоизлар тўланаган бўлишдан қатъи назар, қарз қайтариб берилиши керак бўлган кундан бошлаб то у қарз берувчига қайтариб берилган кунгача бу сумма юзасидан ушбу кодекснинг 327-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган миқдорда фоизлар тўланиши керак.

Савола Навоий шаҳор 2-сон ДНИ нотариуси  
Илҳомжон САЛОМОВ, жавоб берди.

## Фарзанд тарбияси

### эътибор ва ҳушёрликни талаб қилади

## ➤ Электорат минбари

Ўзбек халқи бугун ўз ютуқлари билан бутун дунёни ўзига ром қилмоқда. Фарзандларимиз жаҳон интеллектуал майдонларида, спорт ўйингоҳларида, санъат саройларида кўплаб хорижликларнинг ҳавасини келтирмоқда. Албатта, бу бежиз эмас, бунинг замирида Ўзбекистоннинг ёшларга оид давлат сиёсати, кенг қўламли ислохотлар мажмуи ётибди.

Халқимизнинг ўзига хос анъаналари, турмуш тарзи, шарқона ва миллий урф-одатлари бор. Улар бизнинг кадриятларимиз, маданий ва маънавий меросларимиз. Бу маънавий кадриятларимизни асраб-авайлаб келажак авлодларга етказиб бериш ҳар биримиздан катта масъулият тарзда ётади.

Кейинги йилларда “оммавий маданият”ни экспорт қилиш вазифаси, “вестернизация” йўлидаги уриниш, диний экстремизм, демократик фундаментализм, глобал лидерлик стратегияси, халқаро терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ахборот хуружи, порнография каби ғайриинсоний мафқураларни ўзида мўжассам этган ноҳолис кучлар жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солмоқда.

Энг ёмони, бундай таҳдид ва таъжовуз ортида турганлар ўз хатти-ҳаракатларини ялтироқ ғоялар, дунёга демократияни ёйиш, жаҳон халқларига “бахт-икбол”, “эркинлик” бериш, “инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш”, “интернет қўламини кенгайтириш”дек мақсадларни қалқон қилиб олган.

Айниқса, видео ва овоз ёзуви материаллар, кино-фото материаллар, ёзувликни тарғиб қилувчи кўрқинчи кино-видео фильмлар, телерадио дастурлар, босма нашрлар, ашёларнинг тасвирлари, порнографик мазмундаги асарлар ва бошқа махсулотлар, рекламалар ёшлар орасига билиниб-билинмаган ҳолда мажбуран киритиш йўлига ўтилганлиги кузатишмоқда.

Интернетга кириши билан умум-эътироф этган одоб-ахлоқ нормаларига зид бўлган суратлар, видеоларлар кўз олдида намойён бўлади кишининг. Ахир ахлоқсизликни, зўровонликни тарғиб қилиш ким учун, нима учун керак? Бу сурат ва

лавҳаларда кимларнинг манфаати ётибди?

Бу каби ноқонуний хатти-ҳаракатлар асрлар давомида авлоддан-авлодга етказиб келинаётган миллий ва маънавий кадриятларимизни йўқотишга, ёш авлод қабида ёвузлик, ваҳшийлик, худбинлик, ҳаёсизлик каби салбий ҳиссийатларни синдиришга қаратилганлиги билан ҳам ижтимоий хавфли эмасми?

Ана шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳамда Жиноят кодексига зўровонлик ва порнографик махсулотларни мамлакатимизга олиб кирганлик, тарқатганлик, намойиш қилганлик, реклама қилганлик ва бошқа ҳаракатлар учун жазо чоралари белгиланди.

“Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонунда болаларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликлар олдини олишга қаратилган бўлиб, бу борада вояга етмаганлар ишлари бўйи-

ча комиссиялар, ички ишлар органлари қаторида таълим, васийлик ва ҳомийлик, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларининг, шу жумладан, вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларининг, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларининг вазифалари ҳам аниқ белгилаб берилган.

Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш тадбирларидаги иштироки алоҳида моддада баён этилган.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча равишда киритилган 188<sup>2</sup>-моддада тунги вақтда боланинг ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг қузатувисиз ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, интернет тармоғидан фойдаланиш бўйича хизматлар кўрсатишга жиҳозланган хоналарда ёхуд бошқа кўнгилочлар жойларда ҳозир бўлишига йўл қўйганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

Бу нормалар болаларни назоратсиз қолишдан, бизнинг миллий ва маънавий кадриятларимизга, одоб-ахлоқимизга зид бўлган таҳдидлардан асрашга, кўнгилочлар ресторанлар, кафелар, клублар, интернет хоналари ва бошқа шунга ўхшаш жойлардан тийишга, болаларни ҳам руҳан, ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол этиб вояга етказишга йўналтирилган.

Ушбу қоидаларга риоя этилишини таъминлаш биз катталарга жиддий масъулият юклайди. Биз таълим соҳаси вакиллари болаларнинг ёзги таътил даврида ҳам назоратсиз қолдирилмаслигимиз, ҳамма вақт уларга меҳрибонлик билан эътиборли бўлишимиз зарур. Бу ишларни бажаришда бугунги кунда ёшлар онгини турли ахборот хавфидан ҳимоя қилишга қатъий киришган Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси билан яқиндан ҳамкорлик қилишимиз мақсадга мувофиқ. Зеро, партия билан электорат ҳамкорлиги муваффақиятлар гаровидир.

Шарофат ОРТИҚОВА,  
1-Республика тиббиёт коллежи ўқитувчиси

## Qishloq Qurilish Bank

### Ҳурматли тadbиркорлар!

АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» «Commerzbank AG» (Германия), Landesbank Berlin (Германия), Халқаро Тараққиёт Ассоциацияси (ХТА), Халқаро Қишлоқ Хўжалиги Тараққиёт Жамғармаси каби халқаро молия институтлари кредит линиялари ҳисобидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ҳақида хабар қилади.

Молиялаштиришнинг асосий шартлари:

Лойиҳалар	Замонавий ускуналарини сотиб олиш ва қишлоқ хўжалик корхоналарини қўллаб-қувватлаш.
Қарздор	Юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари.
Молиялаштириш мақсади	<p>“Commerzbank AG” кредит линияси доирасида:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>➤ Европа, Япония, Жанубий Корея, Канада ҳамда АҚШ мамлакатларида ишлаб чиқарилган замонавий ускуналарини сотиб олиш учун маблағлар ажратилади;</li> <li>➤ миқдор импорт шартномасининг камида 15% дан кам бўлмаган миқдорда ўз маблағи билан иштирок этиши лозим, колган 85% кредит линияси ҳисобидан молиялаштирилади;</li> </ul> <p>Landesbank Berlin кредит линияси доирасида:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>➤ Германия давлатида ишлаб чиқарилган замонавий ускуналарини сотиб олиш учун маблағлар ажратилади;</li> <li>➤ миқдор импорт шартномасининг камида 15% дан кам бўлмаган миқдорда ўз маблағи билан иштирок этиши лозим, колган 85% кредит линияси ҳисобидан молиялаштирилади.</li> </ul> <p>ХТА кредит линияси доирасидаги кредитлар (ёки лизинг хизматлари) Андижон, Бухоро, Жиззах, Фарғона, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида рўйхатдан ўтган ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда қайта ишлашга ихтисослаштирилган хўжалик юритувчи субъектларига қуйидаги тadbиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>➤ интензив боғ;</li> <li>➤ сабзавотчилик ва узумчилик фаолияти учун илгор технологияларни жалб этиш;</li> <li>➤ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни замонавий техникалар билан таъминлаш;</li> <li>➤ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва узоқ мuddатга сақлаш ускуналарини сотиб олиш;</li> <li>➤ энергия-тежамкор иссиқхоналар ташкил этиш;</li> </ul> <p>Халқаро Қишлоқ Хўжалиги Тараққиёт Жамғармаси доирасида:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>➤ Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси доирасидаги кредитлар (ёки лизинг хизматлари) Сурхондарё вилоятида рўйхатдан ўтган ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда қайта ишлашга ихтисослаштирилган хўжалик юритувчи субъектларига берилади.</li> </ul>

Маълумот учун телефонлар:  
(+998 71) 150-93 -39, 150-76-41, 150-76-42, 150-76-39.

“Қишлоқ қурилиш банк” — фаровон ҳаётингиз хизматида!

www.qqb.uz

Xizmatlar litsenziyalangan

## Қулай муҳит яратилмоқда

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунига мувофиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, ёшларни, авваломбор, касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка жалб этишга қаратилган бир қатор ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.



**Х**усусан, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасига киритилган ўзгартиришларга кўра, микрофирма ва кичик корхоналар томонидан касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчилари ҳисобига банд ходимларнинг ўртача йиллик сонининг белгиланган меъёрини 20 фоиздан 50 фоизга ошириш мумкинлиги белгилаб қўйилди. Бунда микрофирма ва кичик корхоналар учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар, кафолатлар ва ҳуқуқлардан фойдаланиш имконияти сақланиб қолинади. Бу ўринда касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасаларининг битирувчилари ўқишни тугаллаган кунидан бошлаб уч йилгача муддатда ишга қабул қилинган бўлиши қайд этилган.

Шунингдек, кичик корхона уйда ишлаётган фуқаролар (касаначилар) билан меҳнат шартномалари тузган тақдирда, банд бўлган ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сони кўпи билан 30 фоизга оширилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 375-моддасига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга кўра, касб-хунар коллежлари битирувчилари

коллежни тамомлагандан кейин ўн икки ой ичида яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган тақдирда, шу санадан эътиборан қатъий белгиланган солиқни тўлашдан олти ой муддатга озод этилади. Яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтилган пайтдан бошлаб ўн икки ой ичида фаолият тугатилган тақдирда, қатъий белгиланган солиқ фаолият амалга оширилган бутун давр учун тўланади.

Жорий йилнинг 15 май куни Президентимиз томонидан қабул қилинган «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонда ҳам хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ёшларни тадбиркорликка жалб этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, яқка тартибдаги тадбиркорлар касб-хунар коллежи битирувчиларини ишга ёллаган ҳолатда коллежни битиргандан бошлаб ўн икки ой мобайнида ёлланма ишчилар учун белгиланган солиқдан озод этилади.

Қайд этиш лозимки, қонунчилигимизга киритилган бундай янгилıklar ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга катта имконият яратди.

**Улғубек АҲМЕДОВ,**  
Юнусобод тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

Биз бозор иқтисодиёти ва хусусий тадбиркорлик ташаббуслари социал-демократиянинг асосий ғояларини амалга оширишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз. Бу ўринда давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлиги ўзаро фойдали шартларда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал этишда уларнинг ўзаро ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишини ўз ичига олади.

(Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Сайловолди дастуридан)

## Фаровонлик сари йўл

Мамлакатимизда сўнгги йилларда тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш, уларни қўллаб-қувватлаш, хусусий мулк устуворлигини таъминлаш ва унинг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтириш, корхоналарнинг молия-ҳўжалик фаолиятига давлат ва назорат қилувчи идоралар аралашувини камайитиришга оид аниқ чора-тадбирлар рўёбга чиқарилмоқда.

**Т**адбиркорлик субъектларининг давлат, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат қилувчи органлар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги таъминли қонун даражасида жорий этилди.

Айниқса, асосий эътибор ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, иқтисодиётда хусусий мулкнинг ўрни ва ролини янада ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни тўлиқ бартараф этишга қаратилмоқда.

Жорий йилнинг 15 май куни Президентимиз томонидан имзоланган «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ри-

вожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонда ҳам шу эътибор ўз ифодасини топди.

Мазкур фармонда тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашуш ва тўсиқлик қилиш, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг жавобгарлигини ошириш назарда тутилди. Айни пайтда хусусий мулкни ҳимоя қилиш кафолатини кучайтириш, тадбиркорлик фаолиятини тартибга соладиган маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш жараёнини давом эттириш белгиланди. Яъни кўзга-тилган жиноят ишлари доирасида назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлар фаолиятида ўтказиладиган текширишларни улар томонидан жалб этилган адвокатлар иштирокида амалга ошириш тартибини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Худди шундай, агар шахс солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятини илк мартаба содир этиб, жиноят аниқланган кундан 30 кун давомида давлатга етказилган зарарни тўлиқ қоплаб, пеня ва бошқа жарималарни тўлаган бўлса, унга нисбатан жиноят иши кўзга-тилмасликни назарда тутувчи тартиб жорий этилмоқда.

Бундан ташқари, мазкур йўналишда савдо-сотик қондалари, савдо ва воситачилик фаолияти соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказиш, сохта банкротлик ва банкротликни яшириш ҳолатлари бўйича етказилган зарар тадбиркорлик субъекти томонидан қопланган тақдирда, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўлламасликни назарда тутувчи нормаларни белгилаш назарда тутилмоқда. Режали текширишларнинг ягона тартиби ва даврийлигини белгилаш, яъни барча режали текширишлар молиявий ҳўжалик фаолияти бўйича ўтказиладиган текширишлар қаби кичик бизнес субъектларида 4 йилда бир марта, бошқа субъектларда эса 3 йилда бир марта ўтказилишини жорий этилмоқда.

Шунингдек, молиявий ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган текширишлар муддатини 30 кундан 10 кунгача қисқартиришни назарда тутувчи ўзгартишлар қонунчиликка киритилиши белгиланди.

Бундан ташқари, солиқ, божхона ва бошқа назорат қилувчи органлар ходимларининг тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашуш, қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўсиқлик қилиш ҳамда режадан ташқари текширишлар сонини асосиз оширганлиги учун жавобгарлигини кучайтириш назарда тутилган.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур фармонда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш, бизнес муҳитини яхшилашга доир аниқ меъёрлар ўз ифодасини топган.


**Маҳфуза НОРОВА,**  
ҳуқуқшунос

## «Андижон ҳудудий электр тармоқлари» корхонаси жамоаси

журналист, матбаачи ва ноширларни 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куну муносабати билан самимий табриклайди!

Ҳақиқат, адолат ва холислик ҳамisha иш фаолиятингизнинг асосий мезони бўлсин!

Машаққатли, айна пайтда шарафли бўлган ишларингизда ижодий муваффақиятлар тилаймиз!





# «Водийгазтаъминот» УК жамоаси

мамлакатимиз барча журналистларини,  
нашриёт ва матбаа соҳаси вакилларини  
Матбуот ва оммавий ахборот воситалари  
ходимлари куни муносабати билан  
муборакбод этади!

Ватанимиз тараққиёти, элимиз  
фаровонлиги йўлидаги масъулиятли  
ишларингизда омад тилайди.  
Ижодий баркамоллик, мустаҳкам  
соғлиқ, тинчлик-хотиржамлик сизларга  
доимо ҳамроҳ бўлсин!



**27 ИЮНЬ** — Матбуот  
ва оммавий  
ахборот воситалари  
ходимлари куни




Хизматлар лицензияланган

## «Норин — Фарғона» ирригация тизими бошқармаси жамоаси

барча журналист, матбаачи ва  
нашриёт ходимларини касб байрами  
билан самимий муборакбод этади!

Эл-юрт манфаати йўлида  
олиб бораётган ижодий  
фаолиятингизга  
муваффақиятлар  
тилаймиз!



**БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗЛАР!**

Хизматлар лицензияланган

## Бирлашган диспетчерлик марказига эга бўлган Фарғона водийси магистрал каналлар tizими бошқармаси жамоаси

мамлакатимизда фаолият юритаётган  
журналистларни, матбаачиларни  
МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ  
ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ  
билан муборакбод этади!



Сизларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик,  
ижодий ишларингизда жўшқинлик  
тилаб қоламиз!



Хизматлар лицензияланган




ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

## “Асака” банк

мамлакатимизнинг барча журналистлари, матбаачилари ва нашриёт ходимларини касб байрами билан чин дилдан муборакбод этади!

Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва эзгу ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз ва қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этамиз:



Миллий валютада:

### “ҚАДРИЯТ”

Омонатга ҳисобланган фойзлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

### “БАҲОР”

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фойзлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

### “ФАРОВОН ТУРМУШ”

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фойзлар омонат очилганда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.

### “ТЕЖАМКОР”

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фойзлар ҳар ойда коммунал хизматлар бўйича тўловларга йўналтирилади.

хорижий валютада:

### “ШОДИЁНА” (АҚШ доллариди)

Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой. Ҳисобланган фойзлар 12 ой ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

### “МАДАД” (АҚШ доллариди)

Омонатнинг сақланиш муддати 3 ой. Ҳисобланган фойзлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

### “СТАБИЛЬНЫЙ-1” (ЕВРОда)

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фойзлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

“Асака” банк — сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

www.asakabank.com

Xizmatlar litsenziyalangan

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий ва хорижий валюталардаги қулай шартларда 60 дан зиёд омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Наманган вилоят филиали	369	226-91-45
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Навоий вилоят филиали	436	770-24-09
Шайхонтохур филиали	371	140-39-36
Зарафшон филиали	436	573-18-75
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Бухоро вилоят филиали	365	223-70-05
Сирғали филиали	371	257-44-10
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	298-02-10
Афросиёб филиали	366	221-75-40
Асака филиали	374	233-15-68
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарход филиали	374	226-97-53
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-56
Марғилон филиали	373	237-62-23
Хоразм вилоят филиали	362	226-96-03
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Кўкон филиали	373	552-61-06
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- » солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- » маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- » эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- » миқдори чекланмаган!



## O'ZSANOATQURILISHBANK

Юртимизнинг забардаст журналистларини, барча қалам аҳли ва матбаачиларни 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин дилдан қутлайди. Шу билан бирга,

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ томонидан жисмоний шахсларга дунёнинг исталган нуқтасига пул маблағларини хорижий валютада жўнатиш ва олиш имконини берувчи қуйидаги халқаро пул ўтказмалари хизматларини таклиф этади:



Бугунги кунда юртимизнинг барча вилоятларида «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг 100 га яқин халқаро пул ўтказмалари шохобчалари фаолият юритмоқда.

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» — ВАҚТ ДАВОМИДА СИНАЛГАН ИШОНЧ!

Call-марказ: 0(371) 200-43-43, www.uzpsb.uz

Хизматлар лицензияланган

# Qishloq Qurilish Bank

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан юртимизнинг барча матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини самимий муборакбод этади.

Сизларга мустақкам соғлиқ, хонадонингизга файзу барака, тинчлик-хотиржамлик, ишларингизда омад тилаган ҳолда, қуйидаги янги омонат турларини таклиф этади:

Миллий валютада:

### “Кексаларга таъзим”

омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади.

### “Кексаларни қадрлаш”

омонатга маблағлар 6 ойга қабул қилинади.

### “Жасорат”

омонатга маблағлар 14 ойга қабул қилинади.

### “Матонат”

омонатга маблағлар 5 ойга қабул қилинади.

### “Самарали”

омонатга маблағлар 2 ойдан 6 ойгача қабул қилинади.

Ушбу омонатларга қабул қилинган маблағлар учун ҳисобланган фойзлар ҳар ойда тўлаб берилади.

### “Имконият”

омонатга маблағлар 1 йилдан 3 йилгача қабул қилинади.

Омонатга ҳисобланган фойзлар капитализация қилинади, яъни ҳисобланган фойзларга кўшимча тарзда фойзлар ҳисобланади ҳамда ҳисобланган фойзлар омонат муддат тугагач тўлаб берилади.

хорижий валютада:

### “Percent”

омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади.

### “Profit”

омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади.

Омонатга маблағлар АҚШ доллариди қабул қилинади, фойзлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:

### “Мадад”

маблағлар 12 ойдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади.

### “Хонадон”

маблағлар 1 йилдан ортиқ муддатга қабул қилинади.

### “Қурилишга бошланғич бадал”

муддати 1 йил.



Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- » солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- » эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- » миқдори чекланмаган!

Мурожаат учун: (+99871) 150-72-58, 150-39-93

Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!

www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган

## Маъхурлар матбуот ҳақида

Журналистика билан бадий адабиёт ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Асосийси — ахборот. Журналист тўплаётган ахборот ёзувчи тўплаётган ахборотдан ўзгача эмас. Айни бир факт асосида роман ҳам, репортаж ҳам ёзиш мумкин. Яхши репортаж адабий асар даражасига кўтарила олади.

Габриель Маркес

Журналистика — чопиб бораётган адабиёт.

М.Арнольд

Журналистика — ўзинг тушунмаган нарсани бошқаларга изоҳлаб бериш санъати.

А.Нортклиф

Бирон янгиликни топган мухбир хотиржам ухлагга ётади; аммо кечаси билан янгилик эскириб қолади ва эрталаб уни ташлаб юборишдан ўзга илож қолмайди.

Ж.Лабрюйер

Қанчалик кам билсак, шунчалик кўп шубҳаланамиз.

Генри Уилер Шоу

Дунёга очилган ойнани газета билан ёпса бўлади.

Станислав Ежи Лец

Журналистика соҳасидаги фаолиятини “Темирийўлчи” газетасида кўришдан бошлаганман. “Тошкент оқшоми”да ўн тўрт йил ишладим. Бадий ижодда эришган ютуқларим учун журналистикадан беҳад миннатдорман. Устозимиз Абдулла Қаҳҳор: “Ёзувчи сўзни тонналаб йиғиши, аммо грамлаб сотиши (сарфлаши) керак”, дер эди. Бу гап журналистикага ҳам тегишли. Катта ижод майдонига отланган одамларнинг кўпи журналистикадан тобланишган.

Ўткир Ҳошимов

## Qishloq Qurilish Bank



Фаровон ҳаётингиз хизматида!

МУАССИС:

Бош муҳаррир: Ислоҳ ҚАМРОЕВ

Бўлимлар:

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят руҳсати билан амалга оширилади.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100



Таҳрир ҳайъати:

Наримон УМАРОВ  
Муҳаммад АЛИ  
Гавҳар АЛИМОВА  
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА  
Қодир ЖЎРАЕВ

Тошпўлат МАТИБАЕВ  
Рашид МАТКУРБАНОВ  
Талъат МУРОДОВ  
Абдуқамол РАҲМОНОВ  
Собир ТУРСУНОВ  
Алишер ШОДМОНОВ


Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Котибият — 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-42-12 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 233-41-89.

Навбатчи муҳаррир — А. Йўлдошев  
Навбатчи — И. Сахатов

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган  
Таҳририят манзили: 100043,  
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани  
«Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.  
info@adolatgzt.uz

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилади. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қороз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Сўфсет усулида босилган. Булорғма Г — 600. Адади — 11162. Босишга топшириш вақти — 22.25. Босишга топширилади — 22.50. Баҳоқс келишилган нарха



1 2 3 4 5

Ўзбекистон «Адолат» СДП  
Сийсий Кенгаши